

Муҳаммадсидиков Муҳаммадолим Муҳаммадрозик ўғли
ТошДШИ, “Жаҳон сиёсати ва халқаро муносабатлар” кафедраси
мудир
сиёсий фанлар номзоди, доцент
Тел: 256-65-18

ШИМОЛИЙ АФРИКАДАГИ ЭТНО-ДИНИЙ ВАЗИЯТЛАРНИНГ ИЖТИМОИЙ - СИЁСИЙ ЖАРАЁНЛАРГА ТАЪСИРИ

Аннотация:

В статье предпринята попытка рассмотрения проблемы обеспечения региональной стабильности и безопасности региона Северного Африки, в связи региональной безопасности и этнических отношений, которая является одним из важнейших проблем современной науки. Рассмотрены структура и классификация, участники и действующие силы, цели и формы этнических отношений и конфликтов в регионе. А также предлагаются некоторые предложения по решению и предотвращению подобных конфликтов.

Ключевые слова: этнические отношения и конфликты, региональная стабильность, региональная безопасность, этничность.

The summary:

The article attempts to to review the problem of ensuring regional stability and security in the North Africa region, due to regional security and ethnic relations, which is one of the most important problems of modern science. The structure and classification of the participants and the acting forces, objectives and forms of ethnic relations and conflicts in the region. And also some offers on the decision and prevention of the similar conflicts are offered.

Keywords: ethnic relations and conflicts, regional stability, regional security, ethnicity.

Аннотация:

Мазкур мақолада бугунги кунда Шимолий Африканинг минтақавий барқарорлиги ва хавфсизлигини таъминлаш муаммолари, минтақавий хавфсизлик ва этник муносабатларнинг ўзаро алоқаси кўриб чиқилган. Шунингдек, минтақадаги этник муносабатлар ва зиддиятларнинг мақсади ва шакллари, иштирокчи ва ҳараклантирувчи кучлари, структураси ва классификацияси ўрганилган. Шунга ўхшаш зиддиятларни ҳал қилиш ва олдини олиш бўйича таклифлар ҳам берилган.

Таянч иборалар: этник муносабатлар ва зиддиятлар, минтақавий барқарорлик, минтақавий хавфсизлик, этнослар.

Дунё ҳамжамияти янги минг йилликка кўплаб ҳал этилмаган муаммолар билан кириб келди. Улар орасида миллий низолар, этник можаро ва қонли урушлар, афсуски, инсоният тарихий даврининг энг юқори

босқичида ҳам ўз ечимини топмаган муаммолардан бири бўлиб келмоқда. Амалиёт шунини кўрсатдики, миллий-этник муаммолар нафақат ривожланаётган Африка, Осиё, Латин Америкаси минтақаси давлатларида балки, ривожланган Европа, Шимолий Америка, шунингдек, собиқ социалистик давлатларда ҳам вужудга келмоқда. Деярли ҳар куни биз юз берган миллатлараро низо ва можаролар тўғрисидаги маълумотларни ОАВ орқали тарқатилишининг гувоҳи бўлмоқдамиз. Яқин Шарқ ва Африка мамлакатлари, Болқон давлатлари, Афғонистон, Ироқ, Украина ва бошқа кўплаб давлатларда ҳали ечимини топмаган ва бутун олам тинчлигини бузаётган муаммолар бугунги кунда нафақат соҳа мутахассисларини балки, оддий инсонларни ҳам ташвишга солаётган асосий масалалардан бири бўлиб қолмоқда.

Биз тадқиқ этаётган Африка жаҳон ҳамжамиятининг муҳим таркибий қисми ҳисобланади. Мазкур қитъа олдида қатор мураккаб геосиёсий муаммолар мавжуд бўлиб, уларнинг айримлари кўп асрли узоқ тарихга эга, масалан, мустамлакачилик, ишчи кучи экспорти ва ҳ.к. Уларнинг орасида яқинда пайдо бўлган ёки кучайиб кетиб, нисбатан кичик даврни ўз ичига оладиган муаммолар ҳам мавжуд. Чунки собиқ Совет Иттифоқининг парчаланиб кетиши билан жаҳондаги геосиёсий кучларнинг баланси ўзгарди, бу эса, шак-шубҳасиз, мазкур қитъадаги ҳаётнинг ижтимоий-иқтисодий, сиёсий ва маънавий соҳаларида намоён бўлди. Африка халқлари нисбатан яқинда сиёсий мустақилликка эришишди, бироқ уларнинг кўпчилиги иқтисодий ва ижтимоий жиҳатдан ҳамон ҳақиқий ижобий ўзгаришларни ҳис этишганларича йўқ.

Қитъадаги мамлакатларнинг ривожланишига хос энг характерли жиҳатлардан бири – сиёсий мустақилликни қўлга киритгандан сўнг ўтган нисбатан қисқа давр ичида шаклланиш жараёнларининг тугалланмаганлигидир. Қитъада мураккаб, баъзида эса ажойиб тарзда иқтисодий муносабатларнинг ҳар ҳил турлари – жамоавий патриархалдан тортиб, капиталистик ва социалистик муносабатларгача қўшилишиб кетган. Жамиятдаги ижтимоий-синфий табақаланиши заиф бўлиб, унинг ижтимоий тузилмаси жамоавий-қабила муносабатларининг қолдиқларини ўз ичига олади. Сиёсий тизимда ҳар ҳил ҳокимият турлари ҳукмронлик қилади: авторитар, ҳарбий сиёсий режим, бир партиявийлик, кўп партиявийлик, демократик ва нодемократик, ирқий сиёсий режим, диний сиёсий режим ва ҳ.к.

Бироқ, ҳозирги Африка мамлакатларида асосан авторитар давлат бошқарув тизими жорий этилган (XX асрнинг охирида Африкадаги 45 мамлакатдан 38 тасида ана шундай бошқарув тизими ҳукмрон эди). Бу қуйидаги ички ва ташқи сабабларнинг мавжудлиги билан изоҳланади: иқтисодий қолоқлик, жамиятнинг кучсиз ижтимоий-синфий табақаланиши, мустамлакачилик тизимининг мероси (диктаторлар – қабила, миллат бошлиқлари – мустамлакачилик маъмуриятининг гумаштаси), фуқаролик жамияти ва ҳукуқий давлат унсурларининг мавжуд эмаслиги, аҳоли сиёсий

маданиятининг пастлиги, ўзаро этник қарама-қаршиликлар, архаик инфратузилма: ёмон йўллар, алоқа ва ҳ.к.

Африка-араб давлатлари охириги икки аср давомида турли ташқи кучларнинг таъсир доирасининг муҳим объектига айланди. Минтақада геосиёсий вазият ривожланишининг ўзига хос хусусияти шундан иборатки, бу ерда сўнги ўн йилликда дунёдаги энг кўп давлатлараро сиёсий, иқтисодий, диний конфессия ва этнослараро зиддият, қарама-қаршиликларга асосланган можаро ва қуроли тўқнашувлар содир бўлган. Ва бу тенденция ҳозирда ҳам сақланиб турибди.

Сўнги пайтларда ушбу ташқи кучларнинг ўз манфаатлари йўлида олиб бораётган геосиёсий ва геоиқтисодий рақобатли кураши минтақадаги вазиятни янада кескинлашувига олиб келди. Бунга энг сўнги мисоллардан қилиб “араб баҳори”, Судан ва Сомалидаги қуроли можаролар, Марокаш ва Жазоир ўртасидаги қатор зиддиятлар ҳамда Ливияда юз бераётган фуқаролар урушини ва ноқонуний муҳожирлар муаммосини кўрсатиш мумкин.

Минтақа давлатлари ўртасидаги ягона этносиёсий ёндашув ҳамда барқарор мувозанатнинг мавжуд эмаслиги ушбу ташқи кучлар қўлида жиддий қурол вазифасини бажармоқда. Натижада бугун минтақада Араб-Исроил муаммоси билан бирга, бир қатор бошқа жиддий можаролар сақланиб қолмоқда. Бундай жиддий муаммолар орасида 2011 йилда Судан жанубидаги ҳудудларнинг Судан Араб Республикасидан ажралиб чиққанидан сўнг бошқа ҳудудларнинг ҳам алоҳида бўлишга интилишлари, кўп конфессияли Ливанда шиа, сунний, мароний ва друзлар ўртасидаги келишмовчиликлар, Мисрда мусулмонлар ва насроний қибтийлар ўртасидаги, Жазоир ва Марокашда араб ва барбарлар, Мавританияда араб ва қора танлилар ўртасидаги низоларнинг келиб чиқиш хавфи, Ливияда уруғ-аймоқчиликнинг кучайиб бораётганлиги ва айирмачилик ҳаракатларнинг тобора авж олиши каби кўплаб муаммоларни келтириш мумкин.

Шу билан бир қаторда, сўнги пайтларда айрим Ғарб давлатлари томонидан Миср, Тунис, Ливия, Сурия каби давлатларда “демократлаштириш” операцияларини фаол олиб борилиши оқибатида турли диний экстремистик ва радикал ташкилотларининг ҳокимият тепасига келиши, уларнинг диний-конфессионал жиҳатдан бўлиниши ва улар орасидаги тўқнашувларнинг кучайиши кузатилди ва кузатилмоқда.

Таҳлиллардан кўриниб турибдики, Шимолий ва Шарқий Африкадаги геосиёсий жараёнларда ташқи куч омили, унинг минтақадаги этносиёсий муносабатларга таъсири ўзининг узоқ тарихий илдизлари ва хусусиятларига эга бўлиб, бугунги кунга қадар сақланиб келмоқда. Бу биринчи навбатда, минтақа энергетик ресурсларини қўлга киритиш, ва шу орқали жаҳон геосиёсий жараёнлари етакчи давлат сифатида ўз позицияларини мутаҳкамлаш, ушбу ҳудудда мутлоқ ҳукумдорликни ўрнатиш каби стратегик мақсадларда намоён бўлмоқда. Гарчи бу ҳолат яна давом этадиган бўлса, яқин келажакда Шимолий Африка минтақасида дунёнинг етакчи давлатлари жумладан, АҚШ, ЕИ, Россия, Хитой, Туркия каби мамлакатларнинг манфаатларига тўғридан-тўғри таъсир ўтказувчи йирик қуроли тўқнашувлар

содир бўлиши мумкин деган хулоса қилишимиз мумкин. Бунинг учун бугун минтақада барча етарли “имконият” ва “шароитлар” мавжуд.

Юқорида санаб ўтилганидек, ўзаро этник муносабатлар Африканинг геосиёсий ҳолатига катта таъсир кўрсатувчи навбатдаги ўзига хос омил ҳисобланади. Африканинг этник таркиби – миллатлар, халқлар ва қабилаларнинг қўшилишидир. Қитъада мингта тилда сўзлашувчи 50 га яқин миллатлар ва халқлар, 3 мингга яқин қабилалар мавжуд. Африка ҳудудининг мустамлакачилар томонидан белгиланиши оқибатида, давлат чегаралари аҳоли истиқомат қиладиган табиий-географик ва тарихий ҳудудлар билан ҳеч қандай умумийликка эга эмас. Чегараларнинг 44 фоизи меридианлар ва параллеллар бўйича, яна 30 фоизи – тўғри ва эгри чизиклар бўйича ўтказилган. Ҳудуднинг бундай бўлиниши аста-секин портлайдиган мина, этник низолар ва урушларнинг асоси бўлиб, Шарқ билан Ғарб ўртасидаги қарама-қаршилик, ижтимоий ривожланиш ва геосиёсий ориентация йўллари танлаш муаммоси эса уларни янада кескинлаштириб юборган. Буларнинг барчаси нафақат маҳаллий ўзаро этник низолар, балки қирғинбарот урушларнинг юзага келишига ёрдам берган.

Халқаро ҳолатни таҳлиliga қаратилган илмий тадқиқот ишларида замонавий халқаро ҳамжамият тизимида миллат омилининг аҳамиятли даражада ошиб бораётганлиги борасидаги хулосалар келтирилмоқда. Бундай тадқиқотлар дунёнинг турли ҳудудларида амалга оширилаётганлиги эса янада аҳамиятлидир. Масалан, Африкада катта қурбонларга сабаб бўлаётган миллатлараро тўқнашувлар ҳозиргача кузатилади. Ушбу можаролар мураккаб характерга эга бўлиб, миллат масаласи уларда асосий масала ҳисобланмоқда. Энг фожиали кўриниш тус олган этник низолар Руанда, Бурунди, Судан, Сомали ва Эритерияда бўлиб ўтди. Сиёсий беқарорлик, жамиятни бўлиниши, фуқаролар уруши таҳдиди, тўнтариш таҳдиди, иқтисодий хаос, минглаб одамларнинг ўлими ва азият чекиши, қочоқлар ва кўчишларнинг юз бериши, инсон ҳуқуқларининг бузилиши ва куч ишлатишлар миллатлараро низолар оқибатида келиб чиқмоқда. Россиялик африкашунос В.Иорданский Африка давлатларининг қабилавий гуруҳларини биллиард шарини қамраб оладиган тахтадан ясалган учбурчакка ўхшатади. “Ушбу учбурчакни олиб, шарларни турли томонга улоқтириш учун уларни туртиб юбориш қийин иш эмас”¹, деб таъкидлайди.

Россиялик сиёсатшунос Р.Г. Ланда “Мусулмон мамлакатларининг деярли барчасида “устунлик қилувчи ва анча кучли бўлган этноснинг гегемонистик даъволари ва “тарихий ҳуқуқи” ҳуқуқлари чеклаб қўйилган этнос ёки этник диннинг “тарихий хотираси”, ранж-алами ва қаршилиги билан тўқнаш келганда” этник ва диний хилма-хиллик ҳам исломни сиёсийлашувининг омили бўлиши мумкин” - дейди². Бунга қуйидагилар мисол бўлиши мумкин деб қўшимча қилади: Филиппиндаги хитойлар ва моро-мусулмонлар; Малайзия ва Индонезиядаги хитойлар ва ҳиндлар;

¹ Иорданский В.Б. Противоречивая природа национализма. <http://www.politstudies.ru/fulltext/2011/6/14.pdf>

² Ланда Р.Г. Причины и факторы радикализации ислама // Ислам на современном Востоке. - С. 194.

Покистондаги баҳойлар ва Аҳмадийа фирқаси; Ироқ, Эрон, Туркиядаги курдлар ва бошқа камчилик (ассирияликлар ҳам); Эрондаги туркманлар; Афғонистондаги тожик, ўзбек, туркман ва ҳазорий шиалар; Мисрдаги қибтий (копт)-насронийлар; Судандаги жанубий нилот қабилалари; Мағриб мамлакатларидаги барбарлар муаммолариз.

Мисрлик олим Абдулваҳҳаб Аҳмад Ал-Афандий этник қарама-қаршиликлар диний қарама-қаршиликлар билан боғлиқ. **Биринчидан**, улар бир-бирини кучайтириб тез-тез бир пайтнинг ўзида намоён бўладилар. **Иккинчидан**, этник сабабга кўра ишончсизлик кўпинча диний узоқлашишга олиб келади⁴. Л.А. Баширов бу борада шундай дейди: “Диний жамият этник жамиятни йўқ қилмади, инсонлар бир динга эътиқод қила туриб ўзларини нафақат диний, балки этник жиҳатдан ҳам тенглаштиришда давом этмоқдалар; баъзан этник жиҳатдан тенглаштириш кучлироқ бўлмоқда”⁵.

Шундай қилиб, этник тафовутлар ва миллатлараро қарама-қаршилик ва можаролар ҳам исломни сиёсийлашувига сабаб бўлиши мумкин.

Этник қарама-қаршиликлар ва можароларнинг салбий кўринишлари Шимолий-Шарқий Африкадаги араб давлатларида ҳам рўй берди. Жумладан, биргина Судандаги фуқаролик уруши (1956 йилдан ҳозиргача) араб-исроил урушларидаги йўқотишлардан кўра, камида беш маротабага кўп инсонларни ўлимига сабаб бўлди⁶. Шунинг билан бирга, ушбу ҳолат кўплаб йўқотишларга, қочоқлар сони ошишига, моддий йўқотишларга ва молиявий зарарларга олиб келди.

Қитъадаги низоларнинг энг муҳим омилларидан бири бу диний қарама-қаршиликлардир. Шу ўринда таъкидлаб ўтиш лозимки, Африка аҳолисининг 42% мусулмонлар, 22% христианлар, 36% маҳаллий анъанавий динларга эътиқод қилувчилардир⁷. Диний қарама-қаршиликларнинг кучайишига оғир иқтисодий вазият сабаб бўлиб, кўпгина давлатларда ҳукуматга қарши диний ташкилотлар тузила бошлади. Масалан, Суданда “Судан халқ озодлик армияси” тузилиб, у давлатни шариат асосида бошқаришни талаб қилиб чиқади. Мамлакат Президенти Нимейри 1983 йил давлат мафкураси ва қонуни шариат асосида бошқарилишини эълон қилиши ҳам вазиятни ўзгартирмади. Ҳозирги вақтда ҳам Судан ички хавфсизлигини таъминлашда диний қарама-қаршилик катта таъсир кўрсатмоқда.

Чад ва Эфиопияда фуқаролар уруши Судан муаммосига ўхшашдир. Мисол учун, Эфиопия мусулмонлар истикомат қиладиган Эритрея учун 30 йил уруш олиб борди. Лекин Эритреяликларнинг қатъиятлиги эвазига 1993 йил Эритрея ўз мустақиллигини эълон қилди.

Христиан ва мусулмон дин вакиллариининг тўқнашуви айниқса, Нигерияда авжига чиққан. 2000 йил февраль ойида Кадун вилоятида бу икки

³ Ланда Р.Г. Причины и факторы радикализации ислама // Ислам на современном Востоке. - С. 194.

⁴ Ал-Афандий А.А. ал-Ислам ва ад-давла ал-хадийса нахву руъйа жадийда. – Ал-Қоҳира.: Дар ал-хикма, 2009. – Б. 51. <http://dar.bibalex.org/webpages/mainpage.jsf?PID=DAF-Job:13891>

⁵ Баширов Л.А. Ислам в контексте этнополитических процессов в современной России. - М., 2008. - С. 43.

⁶ Saad Eddin Ibrahim Sects, Ethnicity, and Minority Groups in the Arab World (1994) (in Arabic), Cairo: Ibn Khaldoun Center. – pp.15-18, and pp. 225-290, pp. 323-369, and pp. 601-629.

⁷ <http://www.religions-congress.org/content/view/130/35/lang,russian/>

дин вакиллари ўртасида қонли тўқнашув бўлиб, ҳар икки томондан 400 га яқин киши ҳалок бўлди. 2006 йилда эса бу тўқнашув янада аланга олиб, масжид-мадрасалар ва церковларга ўт қўйилди. Мамлакат собиқ Президенти О.Обасанжо вазиятни юмшатиш учун шариат асосида бошқарилишини (баъзи штатларда) маълум чегараланган ҳолда бўлишига ваъда берди. Аммо вазият ҳозиргача ижобий ҳолатга ўтгани йўқ. Нигерияни 2010-2015 йиллар давомида бошқарган насроний динига мансуб Гудлак Джонатан даврида вазият янада мураккаблашди. Ал-Қоиданинг Африкадаги маслакдошларидан ҳисобланган “Боко Харам” диний экстремистик ташкилоти жангарилари Нигерия шимоли ва қўшни давлатлардаги катта ҳудудни ўз бошқарувига олди. 2015 йилги президент сайловида ғалаба қозонган мусулмон динига эътиқод қилувчи Муҳаммаду Бухари мазкур террористик гуруҳларга қарши кураш бошлаганлигини ҳам алоҳида таъкидлаш лозим.

Умуман олганда, Нигерияда нафақат христианлар ва мусулмонлар бири-бирига қарши курашган, балки бу каби динларнинг бошқа оқимлари ҳам ўз душманларини ўзга дин вакили сифатида кўриб, кураш олиб боришган⁸.

Африкадаги бу каби муаммолар қитъанинг хавфсизлигини таъминлашга катта таъсир қилиб, бир давлатдаги можаро бошқа давлат ҳудудларигача кенгайиб бораётганини кўрсатади. Масалан, Нигериядаги можаро қўшни ҳудудларгача ўтиб кетган. Шунингдек, Руандадаги фуқаролар уруши натижасида хуту қабиласи вакиллари Конго Демократик Республикасига қочган. Конго давлатининг ҳукумати бу қочқинларга қарши ўз ҳарбийларини юбориш орқали уларни ўз ҳудудларига киришини тақиқлаб қўяди.

Бундан ташқари, баъзи Африка давлатларида ҳам ички, ҳам ташқи муаммолари мавжуд. Масалан, Нигерияда диний қарама-қаршилик бўлса, ташқи можароси Камерун билан ҳудудий низоси ҳам бор. Ички қарама-қаршиликнинг кучайиши Камерун давлатининг хавфсизлигига таҳдид бўлиши ҳам мумкин.

Тадқиқотлар ўтган асрнинг 90-йилларида Яқин Шарқ ва Шимолий Шарқий Африка минтақаларида кузатилган давлатлараро ихтилофлардан кўра давлатларнинг ичидаги этник ва диний конфессионал урушлар кўп бўлганини кўрсатади. Ҳарбийлашган Ислом ҳаракати ҳам Яқин Шарқ ва Шимолий Африка араб мамлакатларида кузатилаётган юқорида таъкидлаб ўтилган қуролли фуқаролик тўқнашувларининг бир кўринишидир⁹. Бу борада Жазоир, Сомали, Судан, Сурия ҳамда Миср ҳозирги кунда энг кўзга ташланадиган мисоллардан ҳисобланади. Шу боисдан ҳам, минтақа давлатларининг хавфсизлигига ҳозирги кунда энг асосий таҳдид сифатида ички таҳдид деб асослантирилмоқда.

Маълумотларга кўра бугунги кунда дунёдаги 99 та давлатда 291 га яқин этник озчиликнинг мавжудлиги ҳозирги ўта мураккаб шароитда ўзига

⁸ Мухаммадсидиков М.М. Африка-конфликтная геополитическая сфера планеты // Международный научный журнал. Наука. Образование. Техника. Кыргызско-Узбекский университет. Ош. Кыргызской Республика. – 2009. – № 2 (30). – С. 37-39.

⁹ Ўша манба. 725–749 бетлар.

хос “хавф-хатар омили” эканлигини англатади¹⁰. Бу ҳол дунёдаги деярли барча минтақаларда мавжуд бўлиб, минтақа хавфсизлигига ўз таъсирини кўрсатмоқда.

Бундан ташқари айтиш лозимки, фуқаролар уруши ва этник можаролар натижасида юзага келган қочоқлар бевосита ёки билвосита қўшни давлатларга ёки минтақаларга ўз таъсирини кўрсатмай қолмайди. Бу нафақат Шимолий ва Шарқий Африкада балки, Марказий ва Жанубий Ғарбий Африка худудидида жойлашган Руанда давлатида 1994 йил бўлган геноцид натижасида Бурунди ва Заир давлатларининг ҳолатини ҳам беқарорлаштирганини айтиб ўтиш мумкин¹¹. Умуман олганда, бугунги кунда этносиёсий муаммолар Африка қитъасининг деярли барча минтақаларида, Яқин Шарқ, Кавказ, Жанубий-Шарқий Осиё, Марказий Осиё, Европа минтақаларида хавфсизлик тизимида таъсир даражаси юқоридир.

Шимолий Африка ва Яқин Шарқ минтақасидаги 17 та давлат расмий давлат динига эга бўлиши, қолганларини ислом динини қўллаб-қувватлаб келиши минтақа давлатларида дин ва сиёсат ўта кучли даражада бир-бири билан қўшилиб кетганлигини кўрсатади. Шунинг учун ҳам бугунги кунда этник муносабатлардаги зиддият ва можароларнинг катта қисми ушбу минтақа давлатлари ҳиссасига тўғри келади ва хавфсизликни таъминлашда ўзига хос мураккабликлар туғдиради.

Ҳозирги кунда, араб интеллектуал-сиёсий соҳаларида исломий ёки секуляр миллатчилик ғояларининг устунлиги яққол кўзга ташланмоқда. Буларнинг ҳар бири ўзининг сиёсий ўзлигига эга.

Исломий қарашларни этник масалалар билан боғлиқлиги “исломийлар” одатда маданият, жамият ва давлатнинг сиёсий боғлиқлигини дин асосида кўришидадир. Бу, ўз ўрнида “исломийлар”ни мусулмон бўлмаган халқларни Араб дунёси сиёсатидан чиқариб ташлашни англатади. Масалан бундай қараш, 18 млн.га яқин христианлар ва бир неча юз минглаб яҳудийлар шунингдек, 21 млн.га яқин сунний бўлмаган мусулмонларга ҳам алоқадор бўлиши мумкин. Шунингдек, ҳукмрон исломийлар мусулмонларга мансуб бўлмаганларни юқори бошқарув лавозимларини (давлат раҳбарлиги, ҳокимлар ҳамда ҳуқуқ-тартибот органларидан) эгаллашга рухсат бермасликка ҳаракат қилади¹². Уларнинг фикрига кўра, бундай лавозимларни эгаллайдиган шахслар нафақат вақтинчалик ўрин эгаллашади балки, ўз ўрнида диний мажбуриятларни ҳам бажариши лозим бўлади. Масалан, уларнинг вазифаларига намозхонларга бошчилик қилиш, шаръий қонунларни (ислом ҳуқуқини) амалга ошириш, жиҳод (муқаддас диний уруш) пайтида

¹⁰ Медведева М.А. Этнополитический конфликт как фактор угрозы международной безопасности. В кн.: Философия XX века: школы и концепции. Научная конференция к 60-летию философского факультета СПбГУ, 21 ноября 2000 г. - Санкт-Петербург.: 2001. – С. 156.

¹¹ Collier P. Peace and Security // Expert Paper Series Five: Peace and Security. Stockholm, Sweden: Secretariat of the International Task Force on Global Public Goods. 2006. -P. 29, available at:<http://www.gpgtask-force.org/uploads/files/204.pdf>

¹² Howeydy F. Citizens Not Protected (in Arabic), Cairo: Dar El Sherouk, 1990; Corm G. Variety of Religions and Regimes: A Comparative Sociological and Legal Study (in Arabic), Beirut: El Nahar Publishing Center, 1979, pp.196-261; шунингдек қаранг: Al-Ahram (Cairo Arabic daily), 14, 21, 28 March, and 4 April 1995.

этикодни бошқариш билан боғлиқ бўлган масалалар киради. Ақидапараст исломчилар эса ўз ўрнида мусулмон бўлмаганларни давлат ва ҳукумат бошқаруви билан боғлиқ бўлган барча даражадаги масалалардан мутлоқ холи қилиш кераклигини таъкидлаган ҳолда, мусулмон бўлмаган жамоалар фақатгина “ҳимояланган жамоалар” (яъни аҳлу аз-зимма) сифатида кун кечириши лозим, яъни фақат ўз жамоаларига оид масалалар билан шуғулланиб, жия (яъни тоvon, солиқ) тўлашлари шарт эканлигини эътироф этадилар¹³. Уларнинг мусулмон кўпчилигини ҳурмат қилиши ҳамда Ислom давлатининг суверенитетини тан олишига қараб бошқалар томонидан уларга нисбатан ҳурмат, эътироф ҳамда диний бағрикенглик таъминланади. Ушбу қарашларга кўра, барча мусулмонлар уларнинг этник келиб чиқиши, маданияти ёки миллий асосларидан қатъий назар тенг ҳуқуқли деб ҳисобланади. Масалан, барбарлар (Жазoир ва Марокaшдаги) ҳамда қора мусулмонлар (Мавритания ва Судандаги) “этник озчилик” деб қаралмайди балки, умумжамоа мусулмон умматига тегишли деб ҳисобланади.

Маълумотларга кўра араб дунёсида араб миллатига мансуб бўлмаган мусулмонлар сони 20 млн. кишини ташкил этади. Ушбу “сиёсий тартибот”га оид исломий қарашларда табиий равишда араб бўлмаган лекин, мусулмон ҳисобланган барча жамоалар қўллаб-қувватланади, зеро уларнинг “фуқаролик” мақоми асосан дин асосида белгиланади.

Тарихий жараён шуни кўрсатмоқдаки, араб дунёсидаги бир нечта жиддий тус олган ва ҳарбий куч жалб қилинган этник ихтилофларни ҳисобга олмаса, умуман олганда, бу каби этник муаммолар тўғри сиёсат натижасида бартараф этилган. Бу асосан тўғри сиёсат ва марказлаштиришдан қочиш, ҳамда федерализм масаласига бориб тақалади. Бунга мисол сифатида Марокaш ва Жазoирдаги барбарлар ҳолатини келтириш мумкин. Маданий ва лингвистик жиҳатдан камчилик ҳисобланган барбарлар, умумий аҳолининг 25 ва 35 фоизини ташкил этиб, икки давлатда ҳам сунний мусулмонлар кўпчиликини ташкил этади. Барбарлар милоддан олдинги еттинчи асрлардан буён Шимолий Африка тарихининг бўлинмас ва муҳим қисми ҳисобланади. Замонавий даврларда барбарлар Француз мустамлакаси ҳукмронлиги даврида унинг “бўлиб ташла ва ҳукмронлик қил” сиёсатига қарши, ўз давлатларининг 1950 йилда (Марокaш) ва 1960 йилда (Жазoир) эришган мустақиллиги учун кураш олиб борди. Мустақилликдан кейинги даврларда икки давлатдаги барбарлар ўз маданий интилишларини ифода этишди. Марокaш Қироли ушбу интилишларни инобатга олган бўлса, Жазoирнинг ҳукмрон бир партиявий тузуми ушбу интилишларни мутлоқ инкор этиб келди. Ўтган асрнинг 90-йилларига келиб, Марокaш барбарлари Жазoирлик қабиладошларидан фарқли ўлароқ ўз давлатининг миллий сиёсатига мослашиб, унинг иштирокчисига айланган ҳолда фақатгина маданий

¹³ Megezi J. “Islam and Arab Christianity, Arab Nationalism and Secularism”, in The Seminar of Arab Nationalism and Islam, pp.361-84 (in Arabic); C.Zurique in his comments on W.Kawthary, The Christians from the System of Sects to the Modern State”, in his book The Debate of Arab Christians, p. 75; El Shair G. “What are the Reasons of Susceptibility and What are their Ranges?” in The Debate of Minorities in the Arab East and the Attempts of Israel to Use Them, Amman 12-15/9/1981 (in Arabic)

ўзлигини тарғиб қилиш билан чегараланди. Ислом ҳарбийлашуви хавфи ва айниқса, унинг “араблаштириш” тенденцияси Жазоир барбарларининг маданий интилишларини том маънодаги ҳарбий сиёсий норозиликка айлантирди¹⁴.

1995 йилларга келиб, Жазоир давлати бир томондан, исломийлар босими, иккинчи томондан, барбар ҳарбий кучларининг жиддий босими остида қолди. Марокаш ўзининг араб ва барбар аҳолиси биргалигида мўътадил демократик жараёнларни бошидан кечираётган бир пайтда, Жазоир айрим араб ва барбар ҳарбийлашган гуруҳлари босими остида дезинтеграциялашув жараёнлари билан тўқнаш кела бошлади.

Судан ҳам ҳудди Жазоир каби фуқаролар бирдамлигини таъминлашда бир қатор муаммоларга дуч келмоқда¹⁵. Халқаро тинчликпарвар кучларнинг Суданга киритилиши ва халқаро босим натижасида 2004 йилнинг ўрталарига келиб, вазият бироз яхши томонга ўзгарди. Лекин, мамлакатда этник гуруҳларнинг интеграциялашуви масаласи муаммолигича қолмоқда.

Африка-араб давлатларидаги этник ва диний муаммоларнинг нафақат бир давлат балки, бутун минтақадаги геосиёсий вазиятга таъсирини 2011 йилда Тунисда бошланган ва кейинчалик минтақанинг бир қанча давлатларида сиёсий инқилобларгача олиб келган “Араб баҳори” мисолида кўриш мумкин¹⁶. Минтақадаги геосиёсий вазиятнинг янада кескинлашуви турли радикал кайфиятдаги диний гуруҳлар фаолиятининг кучайишида намоён бўлмоқда. Бугун минтақада Миср ва бошқа араб давлатларида радикал кайфиятдаги “Мусулмон Биродарлар”, “Ал-Қоида”, “Аш-Шабаб”, “Ан-Наҳда”, “Ал-Хуррия ва Ал-Адала” ва бошқа бир қатор гуруҳлар ўртасида ҳокимият учун кураш рақобатли авж олиб кетган. Улар нафақат ўзаро, балки сиёсий кво статусига эга бўлишга ҳаракат қилаётган бошқа этник ва диний камчиликлар, либерал-дунёвий элементлари бўлган сиёсий гуруҳлар билан ҳам ўзаро зиддиятларга киришди.

Африка-араб давлатларида юқорида таъкидлаб ўтилган радикал кайфиятдаги исломий партиялар томонидан амалга оширилган инқилоблар билан боғлиқ воқеалар минтақанинг бошқа давлатларини ҳам ўз ички ва ташқи стратегияларини қайта кўриб чиқишга мажбур қилди. Халқнинг қўллаб-қувватлаши билан ҳокимият тепасига келган янги ҳукуматларнинг мамлакатдаги диний ва этник камчиликларнинг бошқа ижтимоий гуруҳлар каби сиёсий тенглигини тўлиқ таъминлаб бера олмаслиги оқибатида ушбу ҳукуматларга нисбатан бир қатор норозиликлар юзага келди¹⁷. Масалан, Тунисда, “Араб баҳори”дан сўнг ҳукумат тепасига келган “Ан-Наҳда” партиясининг мамлакатни исломийлаштиришга қаратилган фаолиятига

¹⁴ The Berbers Demand a Voice, Al-Ahram Weekly, 20 October, 1994. – P.5.

¹⁵ Minorities Concern in the Arab World, the 1993 Annual Report, Cairo: Ibn Khaldoun Center, 1994. – P.86.

¹⁶ Al Jazeera (Producer). (2011). The Arab Awakening. Retrieved from <http://english.aljazeera.net/programmes/general/2011/04/2011483425914466.html>

¹⁷ Alexis Arieff, “Political Transition in Tunisia,” Congressional Research Service, June 18, 2012, <http://www.fas.org/sgp/crs/row/RS21666.pdf>.

қарши мухолифат бош кўтарди¹⁸. Натижада 2014 йилнинг 21 декабрида Тунисда бўлиб ўтган президент сайловларида мамлакатдаги исломий “Ан-Нахда” партиясига мухолиф бўлган “Ан-Нида” партияси етакчиси ғалаба қозонди.

Бу каби ҳолатлар Шимолий Африканинг бошқа давлатларида ҳам рўй бермоқда. Мисол учун, бугунги кунда Марокашда исломий партиялар коалицион ҳукуматни бошқараётган бўлса, Ливияда салафийлар янги сиёсий куч сифатида намоён бўлмоқда. Жазоирдаги исломий ҳукумат эса ўзларининг янги ислом давлатини қуриш ғояларидан ташқари бирорта бир муаммо ечимини таклиф этаолмади. Гарчи мазкур ҳукуматлар умумхалқ референдуми ва сайловлар орқали ҳокимият тепасига келган бўлсаларда, мамлакатда диний ва этник хусусиятга эга сиёсий муаммолар ҳануз ўз ечимини топгани йўқ. Бунинг оқибатида Ливиядаги исломий ҳукумат жамиятнинг қарши реакциясига учраб, омадсизликка дуч келган бўлса, Марокашнинг янги ҳукуматлари сиёсий мухолифатнинг қаршилигига учрамоқда.

Африка Араб давлатларида исломнинг сиёсийлашувини минтақадаги этно-диний вазиятга таъсири борасида яна шуларни таъкидлаш мумкинки, Христианларнинг Шимолий Африка ва Яқин Шарқ давлатларидан кўчиб чиқиб кетиши - кўпчилик ҳолларда ислом экстремизмининг ўсишига, ҳарбий, ҳукумат ва тадбиркорлар тоифасининг исломийлашувига ёрдам беради. Шимолий Африка ва Яқин Шарқдаги насронийларнинг умумий сони ўртача 12-15 млн. ташкил қилади.

XX аср бошида Фаластин, Миср, Иордания, Ливан, Сурия, Ироқ ва Туркия ҳудудида насронийлар аҳолини 24 фоизини ташкил қилган. Ҳозирги кунда уларнинг сони 5 фоиздан ошмайди. Ўтган асрнинг 70-йилларида Ироқда насронийлар 5,8 фоизни ташкил этган бўлса, ҳозирда 3 фоиз иккинчи жаҳон урушидан сўнг Байтлаҳмда (Фаластин) насронийлар 85 фоиз бўлган бўлса, ҳозир 12 фоизини ташкил қилади. 1922 йилда ҳудудда насронийлар 53 фоизни ташкил қилган бўлса, ҳозирда эса уларнинг сони 2 фоизгача тушиб кетган¹⁹. XX аср бошида Сурия насронийлари аҳолининг 3 дан 1 қисмини ташкил этган бўлса, бугунги кунда эса 10% гача тушиб кетди. Иорданияда ҳам шундай ҳолат, XX аср бошида умумий ҳисобда насронийлар сони 10 фоизгача камайган. Мисрда ҳам 70-йилларга нисбатан насронийлар сони икки баробарга қисқарди²⁰.

Рим папаси Бенедикт XVI нинг исломга нисбатан фикрларидан сўнг²¹, 2006 йил сентябр ойида жавоб сифатида янги қувғинлар тўлқини кўтарилди.

¹⁸ “Tunisia: Mass firings a blow to judicial independence,” Human Rights Watch, October 29, 2012, <http://www.hrw.org/news/2012/10/29/tunisia-mass-firings-blow-judicial-independence>.

¹⁹ All my staff at the church have been killed — they disappeared // Times, 22/12/2006.

²⁰ Charles M. Sennott. The Body and the Blood: The Holy Land's Christians at the Turn of a New Millennium, 2003.

²¹ Рим Папаси Бенедикт XVI 2006 йилнинг 12 сентябрида Регенсбург университетида ислом ва христианликда онг(грек. λόγος)нинг роли ҳамда муқаддас уруш концепцияси борасидаги маърузасида у Византиянинг XIV асрдаги императори Мануил II нинг Муҳаммад дунёга фақат “ёвуз ва ғайринсонийлик келтирди ва унинг буйруғи билан эътиқод қилич билан ёйилди” деб айтган сўзларини иқтибос қилиб келтирди.

Черковларда портлашлар кўпайди, масъул руҳонийларидан бири қўлга олиниб, боши танасидан олинди. Рим папаси чиқишидан сўнг Боғдоддаги черковларнинг 60% и қўпуровчилар хавфи кучайганлиги туфайли ёпилди (Боғдод насронийлар жамияти урушгача Яқин Шарқдаги энг катта жамият ҳисобланган)²².

Сўнгги пайтдаги геосиёсий ўзгаришлар натижасида Африка араб давлатларидаги турли диний конфессиялар ўртасидаги ўзаро зиддиятлар янада кескинлашди. Хусусан, Мисрдаги қибтийлар ва мусулмонлар ўртасидаги кескинлик йўқолмаяпти. Миср қибтийлари кўпчиликти ташкил этадиган қишлоқларига “Мусулмон Биродарлар” жангарилари томонидан ҳужумлар уюштирилмоқда. 2007 йил май ойидаги Миср бўйича HRW (Human Rights Watch) маърузасида мамлакатдаги қибтийларнинг дискриминация қилиниши муаммоси ҳақида айтиб ўтилди: бутун мамлакат бўйлаб 60 марта кўрсатилган. Бундан ташқари 2010 йилнинг 17 декабрида Тунисда бошланган “Араб баҳори” деб номланган ҳодисаларнинг учқуни оловга айланди. Ҳ.Муборакнинг истеъфосини талаб қилиб 2011 йил 25 январидаги оммавий норозилик намоёнликлари оқибатида ҳокимиятга келган “Мусулмон биродарлар” даврига келиб, мусулмонлар ва қибтийлар ўртасидаги зиддиятлар яна ҳам кескинлашганини кўриш мумкин. Бунга сабаб қилиб тадқиқотчилар қуйидаги сабабларни келтирадилар:

- Миср ҳукумати томонидан насроний аҳолининг дискриминация қилиниши;
- Мусулмон экстремистик гуруҳларининг тазйиқи, шу жумладан “Мусулмон Биродарлар”нинг ҳам;
- Ишга жойлашув масаласи бўйича қийинчиликлар;
- Мулкни хусусийлаштириш бўйича муаммолар.

Мисрда қибтийлар сони 7,6 миллион кишини яъни аҳолининг 10 фоизини ташкил этади²³.

Яқин Шарқдаги ёш насронийларнинг кўпчилиги, иқтисодий имконияти кўпроқ бўлган ва хавфсизлик доираси яхши таъминланган, Ғарб мамлакатларига кўчиб чиқишга ҳаракат қиладилар. Насроний-эмигрантлардан Яқин Шарқ худудидан ташқарида мослашиб олиши осонроқ, чунки улар олий маълумотли, молиявий таъминланган, чет элда қариндошлари ҳам кўпроқ. Бундан ташқари, мусулмон оилаларидан фарқли ўлароқ уларда фарзанд кам. Масалан, 2006 йилги маълумотларга қараганда Исроилда туғилиш мусулмонлар насронийларга нисбатан 2 баробар кўпроқ (ҳар бир мусулмон аёлга 4 та фарзанд тўғри келади)²⁴.

Маълумотларга кўра Араб давлатларидаги шиалар орасида туғилиш ҳар бир оилага 8-9 фарзанд, суннийларда 5 та фарзанд ва насронийларда ҳар бир оилага 2 та фарзанд тўғри келади²⁵.

²² IRIN «IRAQ: Christians live in fear of death squads» (<http://www.irinnews.org/report.aspx?reportid=61897>).

²³ Минц М.В. Положение коптов в современном Египте (<http://www.iimes.ru/rus/stat/2007/06-11-07a.htm>).

²⁴ CBS (Центральное статистическое бюро Израиля), STATISTICAL ABSTRACT OF ISRAEL, 2006.

²⁵ Bret Stephens. Being Hassan Nasrallah // The Wall Street Journal, 18/07/2012.

Йирик насроний жамоалари мавжуд бўлган ва аҳоли умумий сонининг 4 фоизидан ошадиган Яқин Шарқ давлатларига: Миср, Сурия, Ливан киради. Маълумки, ҳозирда дехристианизация у ёки бу даражада асрлар давомида икки дин вакиллари дўстона яшаб келган мамлакатларни ҳам четда қолдирмаяпти. Бу ерда икки тарафлама мойиллик кузатилади. Бир тарафдан бу жараён миллий иқтисод, интеграция ўсиши ва глобаллашувда очиқлик даражаси ўсишининг натижаси ҳисобланади. Насронийлар Яқин Шарқдаги ғарблашувга мойил гуруҳ ҳисобланади, мусулмонлар эса бунга ижобий тарафдан қарай олмайдилар. Табиийки, динлараро кескинлик кучаяди. Натижада, АҚШнинг халқаро диний эркинлик бўйича комиссияси (The USA Commission on International Religions Freedom) каби тузулмалар “Сионист-христиан экспонация” қироли номини оладилар²⁶. Бошқа тарафдан битта далилни таъкидлаш керак, глобаллашув жараёнларига хос бўлган демократик қадриятлар пюрализмга муҳолиф сифатида кучли марказлашган ҳокимият (Эрон, Сурия) Насронийларга нисбатан ҳимояланган. Яқин Шарқда умуман олиб қараганда дин муносабатида қарама-қарши тенденциялар кузатилади. Саудия Арабистонида бошқа диний мактаблар раҳбарларини диний маросимларини бажаргани учун ҳибсга олиши, хипчин билан савалаш ва мамлакатдан қувғин қилишлари мумкин. Шу вақтнинг ўзида БААда Кришна ва Шива ибодатхоналари, сикхлар гурудвараси, протестантлар, католик проваславларнинг черков ва ибодат уйлари мавжуд.

Агар Африка давлатларидаги диний-этниқ муаммоларни чуқурроқ тадқиқ этилса, уларнинг кундалиқ ҳаётининг маънавий-мафкуравий соҳасида анъанавий Африка маданиятлари ва диний эътиқодларидан тортиб, мусулмон ва христиан динларигача, буржуа ва социалистик ғояларгача бўлган турли нуқтаи назарларнинг кенг кўламини гувоҳи бўламиз. Масалан, диний маросимлар жамияти Либерия ва Руандадаги этниқ низолар оқибатида келиб чиқадиган урушлар гулханини қўллаб-қувватлайди. Бу эса охири кўринмас урушларга олиб келади. Умуман олганда бир қатор халқаро ва минтақавий ташкилотлар, хусусан БМТнинг инсонпарварлик мақсадларини кўзлайдиган ташкилотлари Африка мамлакатларига Африкадаги долзарб муаммоларни ҳал этишда ёрдам қўлини чўзишга интилоқдалар. Бироқ, турли халқаро инсонпарварлик ташкилотларининг барчаси ҳам мазкур қитъада тартиб ўрнатишга қодир эмаслар. Шунингдек, Африканинг ўзида эса низолашаётган томонларни яраштириш ёки уларнинг ҳовурини пасайтира оладиган нуфузга эга бўлган кучли давлатлар мавжуд эмас. Қитъанинг кўпгина мамлакатларида ҳокимиятга эришиш, ундан кўпроқ нарса олиш, ер ости ва ер усти бойликларидан нораціонал фойдаланиш қабилидаги “машҳур” тамойил устувор ҳисобланади. Шунинг учун кўпгина Африка мамлакатлари ХХI асрни камроқ ейиш, ҳатто очарчилик, хавфли касалликлар, саводсизлик, болалар ўлими, ўн миллионлаб ҳаётларга зомин бўлган турли эпидемиялар, озик-овқат танқислиги ҳолатида кутиб олди. Бунинг устига қитъадаги

26 Косач Г.Г. Делегация федеральной правительственной Комиссии США по международной религиозной свободе в Саудовской Аравии (<http://www.iimes.ru/rus/stat/2007/02-06-07.htm>).

экология фалокатли тарзда ёмонлашиб, атроф-муҳитни муҳофаза қилиш учун зарур бўлган воситаларга катта эҳтиёж туғилмоқда. Африка аҳолисининг ниҳоятда кам умр кўриши юқорида санаб ўтилган сабаблар билан изоҳланади. Масалан, Замбияда у 37 ёшни ташкил этади²⁷.

Ўз навбатида, ҳозирги вақтда Африка мамлакатларининг ижтимоий-иқтисодий ривожланиш даражасида пасайиш жараёни тезлашиб бораётганини кўриш мумкин. Бундай ҳолат фақат минтақадагина сақланиб қолмаяпти, балки сиёсий беқарорлик, қашшоқлик ва очлик қамраб олаётган янги ҳудудларга ҳам кенг ёйилмоқда. Африка энг катта оммавий касаллик тарқатувчи ОИТС, безгак, сил касаллиги каби касалликларнинг ўчоқларидан бири ҳисобланади. Бундай омиллар, албатта, қитъа давлатларининг тинчлиги, хавфсизлиги ва ҳудудий яхлитлигига ҳамда аҳолининг турмуш тарзига салбий таъсир кўрсатиб келмоқда. БМТнинг ҳисоб-китобларига кўра, 2020 йилгача Марказий Африка ва Саҳрои Кабирдаги 60 млн. га яқин одам ҳудудларнинг чўлларга айланиб кетиши оқибатида, Шимолий Африка ва Европага кўчиб ўтишга мажбур бўладилар²⁸. Африкада 340 миллионга яқин аҳоли ёки минтақада яшаётган аҳолининг ярми кунига яшаш учун 1 доллардан кам миқдорида сарфлайди. Беш ёшгача бўлган болалар ўртасидаги ўлим даражаси юқори бўлиб, бу кўрсаткич минг нафар боладан 140 нафарни ташкил этади. Аҳолининг ўртача умри 54 ёшни ташкил этади. Бундан ташқари, фақатгина 58 фоиз аҳоли тоза ичимлик сувидан фойдалана олади, холос²⁹.

Африканинг халқаро муносабатлардаги геосиёсий мавқеи кўпинча халқаро иқтисодий ташкилотларнинг ушбу қитъа учун энг яхши (имтиёзли) шарт-шароитларни қўллаши билан чамбарчас боғлиқдир. Ҳозирча халқаро иқтисодий ташкилотлар томонидан кўрилаётган чора-тадбирлар объектив равишда Африка халқларининг манфаатларига қарши йўналтирилгандир. Бундай ўта қалтис вазиятда Африкадаги давлатлар фақат қитъанинг кўпгина мамлакатларида ижтимоий ҳаётнинг иқтисодий, ижтимоий, сиёсий, маънавий каби барча соҳаларини бирлаштириш асосидагина янги мустамлакачиликка (неоколонизация) қаршилик кўрсатишлари мумкин.

Хулоса қилганда ушбу минтақада геосиёсий вазиятларнинг асослари охириги ўн йилликда минтақа давлатларининг ички можаролари, давлатлараро сиёсий, иқтисодий уруш ва қуроли курашлар, конфессиялараро, турли кланлар ва миллий-этник, диний-этник қарама қаршиликлар кўринишида ривожланмоқда. Бу тенденция сақланиб қолмоқда. Бу тенденциянинг охириги “араб баҳори” воқеалари, Ливиядаги маҳаллий қабилалар орасидаги қарама-қаршилик, Шимолий ва Шарқий Африка минтақаларида террорчи, экстремистик кучларнинг хатти-ҳаракатлари фаоллашуви муаммоси дунё жамоатчилиги эътиборида турибди.

²⁷ Қаранг.: Нартов Н.А., Нартов В.Н. Геополитика. – М.: ЮНИТИ-ДАНА: Единство, 2007. – С. 530.

²⁸ Phyllis McIntosh. Desertification: Earth's silent scourge. – N.Y. State Department's Bureau of Oceans and International Environmental and Scientific Affairs, 2004. – P.6.

²⁹ Из опыта современных операций ООН в Африке, Латинской Америке и Азии.// <http://www.barichev.ru/public/oon12.htm>

